FINTIME MChJ shaklidagi Auditorlik Tashkiloti
Toshkent shahar, Mirobod tumani, Shahrisabz ko'chasi-36 uy
Tel.: (+998) 94-446-03-07, faks: (+998) 97-446-03-07
e-mail: Z_XY-77@mail.ru
HR: 2020 8000 6054 3715 8001
XATB "ORIENT FINANS BANK" Yunusobod filiali
Bank kodi: 01075, IFUT 69201
STIR: 308 852 209

AUDITORLIK TASHKILOTI

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Косон тумани 2024 йил 06 май

Аудиторлик хулосаси йўлланди:	«NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» АЖ Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Мустақиллик шох кўчаси 123 уй х/р: x/r 20210000400533580001, АТБ "Саноаткурилишбанк" Карши ф-ли. МФО: 00440, ИНН: 201787580, *ИФУТ*: 43130 телефон: (97) 071 21 94; (93) 525 49 73
Аудиторлик хулосаси тузилди:	МЧЖ «FINTIME» АТ Тошкент шахар, Миробод т-ни, Шахрисабз к 36 уй. х/р 2020 8000 6054 3715 8001, ХАТБ Ориент Финанс Банк» Юнусобод филиали, МФО: 01075; ИНН:206952776; ОКЭД: 69201. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2021 йил 09 ноябрда аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган телефон: (97) 446-03-07.

Биз «NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» АЖ 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Жамият раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Жамият рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек жамият рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, жамият ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Аудитор фикри

Бизнинг фикримизча, «NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» АЖ ининг 2023 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

\

«FINTIME»
МЧЖ Бош директори: **З. Халкулов**